

МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИНГ МАҚСАДЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Мадрахимов Каҳрамон Эгамберганович
Маъмун университети НТМ “Иқтисодиёт” кафедраси доценти
E-mail: mkaxramon0617@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада минтақавий сиёсатни шакллантиришга мавжуд замонавий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий таркибий сиёсатнинг устувор мақсадлари аниқланилган ва асосий вазифалари белгиланилган. Шунингдек, ҳудудий тузилмавий сиёсатни амалга ошириш механизмининг асосий таркибий элементлари аниқланиб уларнинг ўзаро боғлиқликлари ва тартибга солиш воситалари тадқиқ қилинган. Минтақавий сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги роли асосланилган.

Калит сўзлар: минтақа, минтақавий сиёсат, таркибий номутаносиблик, ихтисослашув, инновацион сиёсат, норматив ҳуқуқий ёрдам, молиявий ёрдам.

Аннотация. В данной статье определены приоритетные цели региональной структурной политики и определены основные задачи с учетом существующих современных подходов к формированию региональной политики. А также определены основные структурные элементы механизма реализации региональной структурной политики и изучены их взаимосвязи и инструменты регулирования. Обоснована роль региональной политики в обеспечении социально-экономического развития.

Ключевые слова: регион, региональная политика, структурный дисбаланс, специализация, инновационная политика, нормативно-правовое обеспечение, финансовое обеспечение.

Annotation. In this paper determined priority goals of the regional structural policy and defined main tasks taking into account the existing modern approaches to formation of regional policy. As well as, identified main structural elements of implementation mechanism of the regional structural policy and studied their interrelationships and regulatory tools. Substantiated role of regional policy in ensuring socio-economic development.

Key words: region, regional policy, structural imbalance, specialization, innovation policy, regulatory legal support, financial support.

Кириш

Миллий иқтисодиётнинг тараққиёти, жумладан инновацион ривожланиши ҳамда самарадорлик даражаси минтақавий иқтисодиёт билан бевосита боғлиқ ҳисобланади [1]. Чунки айнан минтақавий иқтисодий мақсадли қиймат яратиш, қарорлар ва ҳаракатлар, давлат ва сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби ҳамда давлат назорат тизимини асосини ташкил қиласди. Ихтисослашувни самарали ташкил қилиш ва янги саноат сиёсатини бошқариш йўналишлари кабилар минтақавий сиёсатни ва таркибий ўзгаришларни рафбатлантирадиган инновацион стратегияларни ишлаб чиқишини талаб қилмоқда. Бошқача айтганда, минтақавий сиёсат иқтисодий соҳаларни диверсификациялаш асосида янги саноат базаларини шакллантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши лозим [2,3].

Минтақавий иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва мақсадли амалга оширишда юқорида келтириб ўтилганларни ҳисобга олиш ва миллий иқтисодиётни шакллантиришда инновацион ривожланишни таъминловчи йўналишларни қараб чиқиш лозим бўлади. Мазкур мақолада минтақавий иқтисодиётни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қараб чиқилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Минтақавий иқтисодий сиёсатни ташкил этиш ва унинг миллий иқтисодиёт ривожини таъминлашдаги ролини ошириш, таркибий ўзгаришларни амалга оширишдаги аҳамиятини баҳолаш масалалари қатор тадқиқотларда ўз аксини топган. Минтақавий сиёсатни шакллантиришда муаллифлар ўз тадқиқотларида қуидаги ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлашга тўхталиб ўтишган. Масалан, Asheim A, Boschma R ва Cooke P ўз тадқиқотларида, минтақавий устунликлардан аниқлаш, қуриш ва улардан фойдаланиш масалаларини қараб чиқишиган [4]. Муаллифлар Coenen L, Asheim B, Bugge M. M ва Herstad S. J эса эволюцион иқтисодий географик сиёсатни ҳисобга олган ҳолда минтақавий инновацион тизимларни ривожлантириш муаммолари ўрганишиган [5]. Тадқиқотчилар Grillitsch M ва Nilsson M ўз тадқиқотларида танланган минтақаларда инновацияларни жорий қилиш технологиялар трансферини таъминлашдаги роли баҳоланилган [6]. Муаллифлар Stroeva O, Sibirskaia E, Khokhlova O, Oveshnikova L эса минтақавий сиёсатни ишлаб чиқища инновацион бошқарув жараёнларини худудийлаштириш масалаларига [7], тадқиқотчи Yakushkina T эса худудий ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурини шакллантиришнинг бошқарув назариялари ва амалиёти муаммоларига [8], муҳим тадқиқот мавзулари сифатида қараб чиқилган. Тадқиқотчи Решетило В. П ўз монографиясида, милий иқтисодиётни барқарор ривожини таъминлашда худудлар ўртасидаги номутаносибликларини бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган [9].

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақоланинг илмий-назарий асосини иқтисодчи олимларнинг адабиётлари ҳамда илмий мақолалар, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг минтақавий сиёсатни шакллантириш бўйича илмий ёндашувлари, шунингдек, замонавий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда худудий таркибий

сиёсатнинг устувор мақсадлари аниқланилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида статистик кузатиш, умумлаштирувчи кўрсаткичлар, илмий абстракциялаш, статистик расм ва жадваллар усувларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ушбу соҳадаги тадқиқотчи олимларнинг турли нуқтаи назарларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида шуни таъкидлаш керакки, давлатнинг минтақавий сиёсатини тизимлаштиришга аниқ ва бир маъноли ёндашув, хусусан, минтақавий тузилмавий сиёсатнинг минтақавий сиёсатдаги ўрнини аниқлашдир. Айрим олимлар давлатнинг таркибий сиёсатини алоҳида белгилаб, “унинг асосий вазифалари мамлакат иқтисодиётининг алоҳида соҳалари, тармоқлари, шунингдек, ҳудудлар ва муассасалар ўртасида юзага келадиган номутаносибликларни бартараф этиш, миллий иқтисодиётнинг мутаносиб тузилмасини шакллантиришдан иборат” [9,10,11] деб ҳисоблайдилар.

Шунинг учун улар, умуман олганда, давлатнинг таркибий сиёсатини тармоқ, минтақавий ва институционал бўлимлар бўйича кўриб чиқадилар ва тузилмавий сиёсатнинг минтақавий таркибий қисми бу иккала марказий ҳокимият томонидан амалга ошириладиган турли тадбирлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мақсади ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги номутаносибликларни бартараф этиш, ҳудудлар салоҳиятидан тўлиқроқ фойдаланиш, мамлакатнинг тушкун ҳудудларини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат деб таъкидлайдилар. Аслини олганда, таркибий сиёсатда минтақавий жиҳатнинг изоляцияси табиий ресурсларни, ишлаб чиқарувчи кучларни ва аҳолини жойлаштиришнинг объектив нотекислиги, шунингдек, мамлакатнинг ҳар бир минтақасида ҳаётнинг мақбул даражаси ва сифатини таъминлаш зарурати билан боғлиқ.


Минтақашунос бир қатор иқтисодчи олимлар давлатнинг минтақавий сиёсати доирасидаги таркибий сиёсатни, хусусан, минтақавий иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қарайдилар. Улар минтақавий иқтисодий сиёсатни бюджет, солик, кредит, нарх, таркибий, инвестиция ва институционал сиёсатлар мажмуаси сифатида кўриб чиқиши зарурлигини қайд этади [12].

Ушбу таҳлил қилинган ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, биз минтақавий таркибий сиёсатни амалга оширишнинг икки даражада, хусусан, миллий ва минтақавий даражада кўриб чиқилиши керак деб ҳисоблаймиз. Биринчи ҳолда, бу давлат умумий тузилмавий сиёсат доирасида миллий миқёсда таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб боришини англатади, иккинчиси эса, ўз навбатида, фақат давлатнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳудудлар даражасига қисқартирилади. Бунда гап унинг ҳудудий таркибий қисмида давлат иқтисодий таркибий сиёсати ҳақида кетмоқда. Иккинчи ҳолда, минтақавий тузилмавий сиёсат - бу алоҳида ҳудудлар томонидан уларга берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида амалга ошириладиган сиёсат бўлиб, у минтақавий ижтимоий-иқтисодий сиёсат доирасида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир (1-расм).

Шунингдек, миллий таркибий сиёсат орасида минтақавий таркибий сиёсатни танлаш сабабларига тўхталиб ўтиш лозим. Кўплаб тадқиқотлар тасдиқлаганидек,


буғунги кунда иқтисодий жараёнларнинг ривожланишини фақат вақт бўйича ўрганиш ва ижтимоий маҳсулотни тақрор ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш ва минтақада таркибий сиёсат бўйича қарорлар қабул қилиш учун ишончли методологик асос бўлиб хизмат қила олмайди. Бу нафақат табиий шароит ва худудларнинг иқтисодий фаолият кўламининг ўсишига чеклов бўлиб хизмат қилиши, балки ривожланиш жараёнининг мамлакат миқёсига боғлиқлиги билан ҳам боғлиқ.

Бу эса алоҳида худудларнинг ўзига хос ишлаб чиқариш шароитлари бўйича мустаҳкамланади.



1-расм. Минтақавий тузилмавий сиёсатнинг давлат сиёсатининг таркибий қисмлари ўртасида туттан ўрни

Замонавий минтақавий сиёсатни фақат тўлиқ бандликни таъминлаш, молиявий оқимларни ва бозор талабини тартибга солиш билан чеклаб бўлмайди. Бунда тузилмавий сиёсатнинг хусусияти, шунингдек, унинг функцияси худудий ижтимоий-иқтисодий тизимда содир бўлаётган ташкилий-технологик ўзгаришларнинг энг мураккаб оқимларини бошқаришдир (2-расм).



2-расм. Минтақавий иқтисодий сиёсат ва ҳудудий тузилмавий сиёсат функцияларини таққослаш

Натижада ҳудудий таркибий сиёсатнинг асосий вазифалари сифатида қуидагиларни келтириб ўтилади:

- ҳудудий жамоат ишлаб чиқаришининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ошириш;
- ҳудудий ижтимоий-иктисодий тизим таркибидаги ўзгаришларга, унинг иқтисодий ўсиш суръатларига тезкор муносабат билдириш ва тегишли соҳаларда зарур ислоҳотларни амалга оширишни таъминлаш;
- ҳудудий омил таъсирини ўрганиш натижасида ҳудудий ижтимоий-иктисодий тизимда такрор ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини оширишни таъминлаш;
- ҳудудий ижтимоий-иктисодий тизим салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, инновацион технологияларни жалб этиш, ҳудуднинг рақобатбардош афзалликларидан фойдаланишга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар стратегиясини белгилаш.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқсан ҳолда фикримизча, қуидагиларни ҳудудий тузилмавий сиёсатнинг устувор мақсадлари сифатида ёътиборга олиш лозим:

- ҳудудий ижтимоий-иктисодий тизим мувозанатини сақлаш ва оптималлаштириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ҳудуднинг қиёсий афзалликларидан самарали фойдаланиш йўлларини излаш;
- ҳудудий ижтимоий-иктисодий тизимда иқтисодий ўсиш захираларини излаш ва ҳудудни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш;
- ҳудудий тизимни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этишини аниқлаштириш мақсадида алоҳида ҳудудий обьектларни ажратиш;
- минтақавий ижтимоий-иктисодий тизимда такрор ишлаб чиқариш жараёнини бутун мамлакат миқёсида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг умумий занжирига оқиб тушадиган оқилона ижтимоий-ҳудудий тизимга айлантириш мақсадида ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш.

Минтақавий иқтисодий тизимда чексиз ўсиб бораётган эҳтиёжлар ва чекланган ресурслар ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликни аниқлаш ва уларни минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига қаратиш ҳамда шунга мос равища тармоқлар – устувор йўналишларни танлаш таркибий сиёсатнинг биринчи мантиқий ва муҳим таркибий қисми эканини эътиборга олган ҳолда минтақавий таркибий сиёсатни амалга ошириш йўналишларини излаш зарурлигини келтириб чиқаради (3-расм).



Миллий таркибий сиёсат орасидан минтақавий таркибий сиёсатни танлаш, биринчи навбатда, миллий миқёсдаги репродуктив жараённинг алоҳида ҳудудларнинг ўзига хос репродуктив шароитларига боғлиқлиги билан ифодаланади. Самарали минтақавий тузilmавий сиёсат устуворликларни танлашнинг юқорида қайд этилган мезонларини ҳисобга олиши ва номутаносибликни бартараф этиш ва мезодаражада мувозанатни тиклаш учун турли хил воситаларни мувозанатли қўллашга асосланган бўлиши керак [13]. Шу маънода, тармоқларни танлаш тартиби икки босқичдан иборат:

- биринчи босқичда, бир қатор муқобил варианлардан ҳудуд иқтисодиётининг керакли таркибий тури ва унга мос келадиган умумий ривожланиш устуворликлари аниқланади;

- иккинчи босқичда, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда устувор йўналишлар белгиланади. Устунликни белгилаш босқичи тугагандан сўнг қўйидаги босқичлар кетма-кет ва параллел равища амалга оширилади:

- таркибий ўзгаришларнинг минтақавий узоқ муддатли индикатив режалари ва мақсадли дастурларини ишлаб чиқиши;

- ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимнинг устувор йўналишларига мувофиқ тармоқлараро капитал трансферини рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириши;

- худудий ижтимоий-иктисодий тизимда иктиносидиётнинг истиқболсиз тармоқлари ва тармоқларини тизимли равища тутатиш дастурларини амалга ошириш;


- таркибий ўзгаришлар йўналишларига мувофиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Минтақавий тузилмавий сиёсатни амалга ошириш механизми унинг тўлиқ ишланини таъминлайдиган маълум бир таркибий элементлар тўпламини ўз ичига олиши керак (4-расм).

Куйидагилар худудий тузилмавий сиёсатни амалга ошириш механизмининг асосий таркибий элементлари ҳисобланади:

- худудда таркибий ўзгаришларни амалга оширишни норматив-хукуқий жиҳатдан таъминлаш;

- худудда таркибий ўзгаришларни амалга оширишни молиявий қўллаб-куватлаш, шунингдек, айrim тармоқларни алоҳида қўллаб-куватлаш;

- давлат таъсирининг зарур воситалари, усуслари ва шакларини қўллаш, хусусан, тегишли худудларни ривожлантириш дастурларини, шунингдек, тегишли худудларни ривожлантиришнинг маҳаллий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.



4-расм. Минтақавий таркибий сиёсатни амалга ошириш механизмининг таркибий қисмлари

Минтақавий тузилмавий сиёсатни амалга ошириш механизмининг таркибий қисми сифатида давлат томонидан тартибга солиш воситалари орасида стратегик ва конъюнктуруни ажратиб кўрсатиш мумкин, улар орасида рағбатлантирувчи воситалар алоҳида ўрин тутади. Таркибий силжишларни тартибга солиш усусларига келсақ, у ёки бу объектга таъсир қилиш даражасига кўра уларни макроиктисодий, устувор тармоқларни қўллаб-куватлаш ва институционал усусларга бўлиш мумкин.

Бундан ташқари, тўғридан-тўғри давлат инвестициялари ва субсидиялар бериш, дастурларни молиялаштириш учун минтақавий жамғармалар яратиши, хорижий ва маҳаллий хусусий капитални жалб қилиш, имтиёзли давлат кредитлари ва солиққа тортиш, имтиёзлар, бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш ва бошқалар каби иқтисодий усулларни амалга ошириш керак. Чунки амалиётда ушбу усуллар ҳам кенг қўлланилиши мумкин.

Хуносас ва таклифлар

Шундай қилиб, минтақавий таркибий сиёсат бугунги кунда минтақавий тизимларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тартибга солишининг кучли воситасига айланди, айниқса бозорнинг ўзини ўзи тартибга солиш институтларининг очиқ бўлган жиҳатлари бўлган шароитда самарали восита сифатида қаралмоқда. Фақат таркибий сиёсат механизми туфайли худуднинг ижтимоий-иктисодий ўсиши ва минтақа аҳолиси турмуш даражасини ошириш мақсадида ички салоҳиятни фаоллаштириш ҳамда минтақавий тизимни ривожлантиришнинг муҳим муаммоларини ҳал қилишга эришиш мумкин. Бундай сиёсат бошқарувнинг тармоқ (маҳаллий) усулларидан фарқли ўлароқ, худудий ижтимоий-иктисодий тизим захираларидан самарали фойдаланиш воситаси бўлиши кўзда тутилган.

Шунинг учун минтақавий таркибий сиёсат минтақанинг ички ижтимоий-иктисодий сиёсатининг элементи сифатида вақтинчалик ҳодиса эмас, аксинча, минтақани ривожлантиришнинг ўзига хос вазифаларидан келиб чиқадиган вақт ўтиши билан тузатилиши мумкин бўлган аниқ вазифалар, мақсадлар ва йўналишлар минтақавий ривожланишнинг узлуксиз синтези ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Stroeva Olesya, Elena Sibirskaia, Sergey Shmanev (2015). The Structural Model of Formation and Realization of the Proactive Character Regional Innovative Policy, Procedia Economics and Finance, Volume 27, Pages 516-521, ISSN 2212-5671, [https://doi.org/10.1016/S2212-5671\(15\)01031-X](https://doi.org/10.1016/S2212-5671(15)01031-X).
2. Foray, D. (2015) Smart specialization: Opportunities and Challenges for Regional Innovation Policies. Abingdon: Routledge.
3. Morgan, K. (2016) Nurturing novelty: regional innovation policy in the age of smart specialisation. Environment and Planning C: Government and Policy, DOI: 10.1177/0263774X16645106
4. Asheim A, Boschma R and Cooke P (2011) Constructing Regional Advantage: Platform Policies Based on Related Variety and Differentiated Knowledge Bases. Regional Studies 45(7): 893-904.
5. Coenen, L., Asheim, B., Bugge, M. M. and Herstad, S. J. (2016) Advancing regional innovation systems: What does evolutionary economic geography bring to the policy table? Environment and Planning C: Government and Policy. DOI: 10.1177/0263774X16646583.

6. Grillitsch, M. and Nilsson, M. (2015) Innovation in peripheral regions: Do collaborations compensate for a lack of local knowledge spillovers? *The Annals of Regional Science*, 54: 299-321.
7. Stroeva, O., Sibirskaya, E., Khokhlova, O., Oveshnikova, L., 2014. Regionalization of the innovation management process, *Life Sci J.* No.11(8s). P. 297-301
8. Yakushkina, T., 2011. The formation of the social and economic regional development program, *The problems of the management theory and practice*, No. 4., P. 66-7
9. Решетило В. П. Синергия становления и развития региональных экономических систем: монография / В. П. Решетило; Харк. нац. акад. город. хоз-ва. – Х. : 2009.;
10. Панова В. Парадигма "нового регионализма" в Европейском Союзе /В. Панова // Вече. – 2008. – №14 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.viche.info/journal/1022/>;
11. Mlachila M. A Quality of Growth Index for Developing Countries: A Proposal / M. Mlachila, O. B. Масленников, R. Tapsoba, S. Tapsoba // IMF Working Papers. – 2014. – № 14. – Р. 1–32.
12. Папп В.В. Структурные процессы в экономике региональных общественных систем: теория, методология, практика: монография. Институт региональных исследований; [отв. ред. Л.Т. Шевчук]. – Львов, 2009. – 340 с.
13. Скрынник Н.В. Государственное регулирование структурных сдвигов на уровне региона / Н. В. Скрынник // Наука и экономика. – 2011. – № 3 (23).

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

